



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

« 30 » ноябрь 2021-у.

№ 03-03/03- 5402 « _____ »- _____ 2021-ж.

**Нукус шаҳар прокурори
ўринбосари Д.Б.Аскаровга**

Нусхаси:

**Нукус шаҳар “Қизкеткен” элати
“Наўрыз” маҳалла фуқаролар
йиғини Ш.Валиханов кўчаси 18-
жой 2-хонадонда истиқомат
қилувчи Г.Таймасовага**

Сизнинг 2021 йил 23 ноябрь кунги 24/4-417222/21-сонли хатингизга:

Нукус шаҳар “Қизкеткен” элати “Наўрыз” маҳалла фуқаролар йиғини Ш.Валиханов кўчаси 18-жой 2-хонадонда истиқомат қилувчи Г.Таймасованинг Нукус шаҳар Прокуратураси ва вазирликка ёзган аризалари жойида муаллифнинг иштирокида ўрганилди. Ўрганиш юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз:

Ҳақиқатдан ҳам Нукус шаҳар 34-сонли умумтаълим мактабида 0,5 психолог штат бирлигида фаолият юритиб келаётган М.Қунназарованинг Нукус шаҳар халқ таълими бўлимнинг 2021 йил 25 августдаги 33/1-сонли буйруғи ҳамда Нукус шаҳар 34-сонли умумтаълим мактаби директорининг 55/1-сонли буйруқлари асосида 2021 йил 25 август кунидан 0,5 психолог штат бирлигида фаолият кўрсатиб келаётган М.Қунназарова - Маънавий ва маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига ўтказилган.

Мактаб директори О.Сапарованинг 2021 йил 6 сентябрдаги “0,5 психолог штат бирлигидаги М.Қунназарованинг бошқа ишга ўтганлиги сабабли унинг 0,5 штат психолог бирлигини, 0,5 штат психолог бирлигида фаолият кўрсатиб келаётган Г.Таймасовага қўшиб беришини сўраб ёзилган” 107/2-сонли тавсия хати Нукус шаҳар Халқ таълими бўлимига юборилган.

Шундан кейин Нукус шаҳар 34-сонли умумтаълим мактаби директорининг 58/4-сонли буйруғи қабулланиб, ушбу буйруқ билан 2021 йил 6 сентябр кунидан 0,5 психолог штат бирлигида фаолият кўрсатиб келаётган М.Қунназарованинг - Маънавий ва маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига ўтиши муносабати билан унинг 0,5 штат психолог лавозими вақтинчалик Г.Таймасовага қўшиб берилган.



Мактаб директорининг 2021 йил 6 сентябрдаги 107/2-сонли тавсия хати Нукус шаҳар Халқ таълими бўлими Кадрлар бўйича мутахассис А.Бердишевга ижро учун юборилган. Аммо бу хатнинг ижроси ханузгача таъминланмаган.

Нукус шаҳар 34-сонли умумтаълим мактабининг 0,5 штат психолог штати Нукус шаҳар халқ таълими бўлими масъул ходимлари томонидан ваканцияга қўйилмаган.

Шунингдек, Нукус шаҳар халқ таълими бўлимининг 2021 йил 30 октябрь кунги 52/3-сонли буйруғи билан Жаббарбергенова Наргиза Орынбасар қизи Нукус шаҳар 34-сонли умумтаълим мактабига асосий психолог лавозимга юборилган. Иш берувчи Нукус шаҳар халқ таълими бўлими мудир Ақназаров Парахат Барлықбаевич ва Жаббарбергенова Наргиза Орынбасар қизи ўртасида 2021 йил 30 октябр куни 1/2-сонли Меҳнат шартномаси тузилган.

Нукус шаҳар 34-сонли умумтаълим мактабининг 0,5 штат психолог штатини ваканцияга қўйиш ва Н.Жаббарбергенованинг Нукус шаҳар халқ таълими бўлимининг 2021 йил 30 октябрь кунги 52/3-сонли буйруғини бекор қилиш бўйича Нукус шаҳар халқ таълими бўлими ходимларига тавсиялар берилди.

Нукус шаҳар 34-сонли умумтаълим мактабининг 0,5 штат психолог штатини ваканцияга қўйилгач, Г.Таймасова шу лавозимга ўз номзодини қўйиши ҳамда Нукус шаҳар халқ таълими бўлимида ташкил этилган комиссия томонидан ўтказиладиган суҳбатда иштирок этиши мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Г.Таймасовага ушбу жавобдан норози бўлган тақдирда юқори турувчи ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқи бор эканлиги тушунтирилади.

Мурожаатдаги келтирилган ҳолатлар бўйича тўпланган материаллар илова қилинади.

Илова варақдан иборат.

Вазирнинг ўринбосари



Ш.Гаджимуратов